

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ КАФЕДРАСИ  
Академик Қ.Х. Абдурахмонов илмий мактаби**

**«ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ ИШ БИЛАН  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ»**

**МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ  
ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**УЎК: 331.5**

**КБК: 65.011.3в6**

**«Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг замонавий йўналишлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясининг илмий мақола-лар тўплами. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020, 240 бет.**

**ISBN 978-9943-6731-9-9**

Ушбу илмий мақолалар тўпламида ижтимоий йўналтирилган рақамли бозор иқтисодиётини ривожланиши шароитида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг замонавий инновацион йўналишлари ифодаланган.

Мазкур тўплам профессор-ўқитувчилар, докторантлар, мустақил тадқиқотчилар ва илмий ходимларга мўлжалланган.

*ПЗ-20170928644 «Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминлаш муаммолари» мавзусидаги амалий лойиҳа гранти маблағи ҳисобидан тайёрланди. Тўплам ТДИУ илмий Кенгашининг 2020 йил 5 ноябрдаги 3-сонли қарорига мувофиқ чоп этилди.*

**УЎК: 331.5**

**КБК: 65.011.3в6**

**Масъул муҳаррирлар:** **Абдурахмонов Қаландар Хаджаевич** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги;  
**Шарипов Конгратбой Аvezимбетович** – техника фанлари доктори, профессор;  
**Холмўминов Шайзоқ Рахматович** – иқтисод фанлари доктори, профессор (лойиҳа илмий раҳбари).

**Тақризчилар:** **Умурзаков Баходир Хамидович** – иқтисод фанлари доктори, профессор;  
**Ғойипназаров Санжар Боходирович** – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**ISBN 978-9943-6731-9-9**

© «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020.

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО  
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
ЭКОНОМИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**



**КАФЕДРА «УПРАВЛЕНИЕ  
ЧЕЛОВЕЧЕСКИМИ  
РЕСУРСАМИ»**

**Научная школа академика К.Х. Абдурахманова**

**СБОРНИК НАУЧНЫХ СТАТЕЙ  
РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ  
КОНФЕРЕНЦИИ**

**«Современные направления занятости сельского населения»**

**ТАШКЕНТ – 2020**

**Сборник научных статей Республиканской научно-практической конференции «Современные направления занятости сельского населения». – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт манбаа уйи”, 2020 г. 246 стр.**

Сборник научных статей отражает современные инновационные направления занятости сельского населения в контексте развития социально-ориентированной цифровой рыночной экономики.

Сборник предназначен для профессоров, докторантов, молодых учённых и соискателей.

Рекомендовано к печати по решению ученого Сьвета от 5 ноября 2020 года.

*Данный сборник выполнен за счет средств гранта практического проекта ПЗ-20170928644 «Проблемы занятости сельского населения Узбекистана».*

**Ответственные редакторы:** **Абдурахмонов Каландар Хаджаевич** – академик Академии Республики Узбекистан;

**Шарипов Конгратбой Авезимбетович** – доктор технических наук, профессор;

**Холмўминов Шайзоқ Рахматович** – доктор экономических наук, профессор (научный руководитель проекта).

**Рецензенты:** **Умурзаков Баходир Хамидович** – доктор экономических наук, профессор;

**Ғойипназаров Санжар Боходирович** – доктор философских наук (PhD) по экономике.

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED  
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMIC**



**DEPARTMENT “HUMAN RESOURCES MANAGEMENT”**

**Scientific school of academician K.Kh. Abdurakhmanova**

**COLLECTION OF SCIENTIFIC ARTICLES**

**REPUBLICAN SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE**

**“Modern directions of employment of the rural population”**

**TASHKENT – 2020**

**Collection of scientific articles of the Republican scientific and practical conference “Modern directions of employment of the rural population” – Tashkent: “Innovative development publishing resource house”, 2020 y. 248 page. 246**

The collection of scientific articles reflects modern innovative directions of rural employment in the context of the development of a socially oriented digital market economy.

The collection is intended for professors, doctoral students and young scientists.

This collection has been completed with a grant from a practical project “II3-20170928644” “Employment problems of the rural population of Uzbekistan” by the statement of the TSUE educational council, №3 November 5, 2020.

*This collection has been completed with a grant from a practical project “II3-20170928644” “Employment problems of the rural population of Uzbekistan” by the statement of the TSUE educational council, №3 November 5, 2020.*

**Responsible editors:** **Abdurahmonov Qalandar Khadjaevich** – academician of the Academy of the Republic of Uzbekistan;  
**Sharipov Kongratboy Avezimbetovich** – doctor of technical sciences, professor  
**Kholmuminov Shayzoq Rakhmatovich** – doctor of Economics, Professor;

**Reviewers:** **Umurzakov Bakhodir Khamidovich** – doctor of Economics, Professor;  
**Goyipnazarov Sanjar Bokhodirovich** – PhD

## КИРИШ

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини рақамлаштириш шароитида давлатнинг энг асосий вазифалари бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечимини топиш, мавжуд давлат дастурлари ижросини таъминлаш, камбағалликни камайтириш ва аҳоли турмиш даражасини яхшилаш ҳисобланади. Мазкур устувор вазифаларни амалга оширишда аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса айниқса, қишлоқ жойлардаги ишсизлик, норасмий иш билан бандлик ва камбағаллик даражасини камайтиришга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга мурожаатномасида 2020 йил-**“Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”** деб эълон қилиш билан бирга қишлоқларни ҳам ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим муаммолари алоҳида таъкидланди ва уларнинг ечимлари кўрсатилди: **“Камбағалликни камайтириш – бу алоҳида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир”**<sup>1</sup>. Қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича ҳукуматимиз томонидан комплекс чора-тадбирлар олиб бориляпти, мақсадли, жумладан, тармоқ ва ҳудудий дастурлар амалга оширилмоқда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кластерлар ва кооперация тизимлари жорий этилмоқда. Шунинг учун биргина 2019 йилда республика бўйича жами 370047 та янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткичнинг 64,3%и қишлоқ ҳудудларига тўғри келади. Лекин, эришилган ижобий натижалар қониқарли эмас. Қишлоқ жойларда камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари бўлган норасмий иш билан бандликни қисқартириш ва янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш ҳамда ёшларни замонавий мутахассисликлар ва касб-ҳунарларга тайёрлашни стратегик ёндашувлари (йўналишлари) бўйича **амалий ва илмий**

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил, 29 февраль Kun.UZ сайти.

**тадқиқотлар** ижтимоий йўналтирилган рақамли бозор иқтисодиёти талаблари асосида **етарлича олиб борилмаган**.

Юқорида қайд этилган долзарб муаммоларни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ҳал этиш бўйича илмий-амалий асосланган хулосалар ва тавсияномалар ишлаб чиқиш мамлакат иқтисодиёт фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бандлик, ишсизлик, инфляция, меҳнат бозори муаммолари ва уларни ривожланган бозор иқтисодиёти шароитларида математик-статистик аппарат асосида фундаментал тадқиқ этишга хорижий ва маҳаллий етакчи иқтисодчи олимларнинг қатор илмий ишлари бағишланган. Бу тадқиқотлар бозорга йўналтирилган иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда меҳнат бозори умумий муаммолари ва уларни истиқболлаштиришни ўрганиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Аммо бу ишларда аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни стратегик йўналишларни истиқболлаштириш жараёнини айрим томонлари тадқиқ қилинган, холос. Уларда Ўзбекистон қишлоқ жойларида аҳолининг иш билан таъминлаш муаммолари тўла ёритилмаган.

Муаммони назарий-методологик жиҳатдан асослаш, уни таҳлил этишнинг методик асосларини ишлаб чиқиш ва қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишларини аниқлашга шу боисдан ҳам жиддий зарурият туғилди.

Ушбу муаммонинг ҳозирги пайтдаги юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва ҳали етарли даражада ўрганилмаганлиги – мазкур Республика илмий-амалий конференцияси мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Мазкур Республика илмий-амалий конференциясининг илмий мақолалар тўпламини тайёрлашда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган академиклар: - С.С. Фуломов, Қ.Х. Абдурахмонов; профессор: - Б.Х. Умурзаков, PhD – С.Б. Ғойипназаров ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Инсон ресурсларини бошқариш” кафедраси аъзоларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Ушбу Республика илмий-амалий конференциясининг илмий мақолалар тўплами бўйича таклифларингизни қуйидаги электрон почтага юборишингизни сўраймиз:

[shayzak.kholmuminov@gmail.com](mailto:shayzak.kholmuminov@gmail.com)



# ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИНИ НОРАСМИЙ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Холмуминов Шайзоқ Рахматович, ТДИУ профессори  
Умурзаков Баходир Хамидович, ТДИУ профессори  
Махмудов Темур Асомидинович, ТДИУ мустақил  
тадқиқотчиси

*Аннотация.* Ушбу мақолада рақамлаштирилган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида норасмий иш билан бандликни камайтиришнинг стратегик ижтимоий-иқтисодий аҳамияти таҳлиллар асосида аниқланган.

*Annotation.* This article identifies the strategic importance of reducing informal employment in the context of a socially oriented digital market economy using real numbers as an example.

*Таянч иборалар:* рақамли бозор иқтисодиёти, норасмий иш билан бандлик, камбағаллик, янги иш ўринлари, стратегик йўналишлар, самарали механизмлар.

*Key words:* digital economy, informal employment, poverty, new workplaces, effective mechanisms.

## Кириш

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини рақамлаштириш шароитида давлатнинг энг асосий вазифалари бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечимини топиш, мавжуд давлат дастурлари ижросини таъминлаш, камбағалликни камайтириш ва аҳоли турмиш даражасини яхшилаш ҳисобланади. [1,4]. Мазкур устувор вазифаларни амалга оширишда аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса айниқса қишлоқ жойлардаги ишсизлик, норасмий иш билан бандлик ва камбағаллик даражасини камайтиришга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга мурожаатномасида 2020 йил-“Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб

элон қилиш билан бирга қишлоқларни ҳам ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим муаммолари алоҳида такидланди ва уларнинг ечимлари кўрсатилди: **Камбағалликни камайтириш-бу алоҳида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир**<sup>2</sup> Қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича ҳукуратимиз томонидан комплекс чора-тадбирлар олиб бориляпти, мақсадли жумладан, тармоқ ва ҳудудий дастурлар амалга оширилмоқда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда кластерлар ва кооперациялар тизимлари жорий этилмоқда. Шунинг учун биргина 2019 йилда республика бўйича жами 370047 та янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткичнинг 64,3%и қишлоқ ҳудудларига тўғри келади. Лекин, эришилган ижобий натижалар қониқарли эмас. Қишлоқ жойларда камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари бўлган норасмий иш билан бандликни қисқартириш ва янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш ҳамда ёшларни замонавий мутахассисликлар ва касб-хунарларга тайёрлашни стратегик ёндашувлари (йўналишлари) бўйича амалий ва илмий тадқиқотлар ижтимоий йўналтирилган рақамли бозор иқтисодиёти талаблари асосида етарлича олиб борилмаган.

Ҳозирги пайтда қишлоқ жойлардаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг 63,3% норасмий иш билан банд бўлиш билан бирга унинг 15%дан ортиғи камбағаллар тоифасига киради. Бундай вазият аҳолининг камбағаллиги қисқаришининг асосий йўналиши бўлган норасмий иш билан бандликни камайтириш билан узвий боғлиқда фундаментал тадқиқотлар олиб боришни ўта муҳимлигини белгилайди.

Шу билан бирга меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг норасмий иш билан бандлик ва камбағалликни камайтиришга қишлоқ ёшлари ва аёлларининг иқтисодий фаоллиги ва малакавий касбий даражасини пастлиги, қишлоқ хўжалигидаги

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил, 29 февраль Kun.UZ сайти.

иш ўринларининг асосий қисми қисқа муддатли ва мавсумий характерга эгаллиги, ишчи кучининг салмоқли қисми иш ҳақи паст ва барқарор бўлмаган иш ўринларида банд этилганлиги, хориждан инвестицияларни жалб этиш бўйича фаол ҳаракатнинг сустлиги, қишлоқ иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, қурилиш, хизмат кўрсатиш, ижтимоий инфратузилма, хусусий тадбиркорлик ва оилавий тадбиркорлик ва бошқа тармоқлари ва соҳаларида иш ўринлари ташкил этиш юқори даражада эмаслиги, меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни молиялаштириш ва хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг суст ривожланаётганлиги ҳамда ташқи ва ички меҳнат миграциялари яхши ташкил этилмаганлиги каби муаммоларни ҳам бевосита таъсирини **илмий тадқиқ этиш** лозим [3,4].

Юқорида қайд этилган долзарб муаммоларни республикамизда олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган рақамли бозор иқтисодий ислохотлар ва илғор хорижий тажрибалар асосида **инновацион методологик (фундаментал) тадқиқотлар** олиб бориш ва уларнинг амалиётга татбиқ этиш иқтисодиёт фани олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Бандлик, ишсизлик, инфляция, меҳнат бозори муаммолари ва уларни ривожланган бозор иқтисодиёти шароитларида математик-статистик аппарат асосида фундаментал тадқиқ этишга: Ж.М.Кейнс, А.Освальд, Х.Розан, Ф.Хайек, С.Холл, К.Янош каби хорижий етакчи иқтисодчи олимларнинг қатор илмий ишлари бағишланган. Бу тадқиқотлар бозорга йўналтирилган иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда меҳнат бозори умумий муаммолари ва уларни истиқболлаштиришни ўрганиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, иқтисодиёт фанининг бу соҳасидаги ривожига МДҲ мамлакатларидан: Б.Д.Бреев, Т.И.Заславская, В.Г.Костиков, А.А. Никифорова, Г.С.Струмилин каби таниқли олимлари ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар. Бу муаммолар тадқиқотига ўзбекистонлик Қ.Х.Абдурахмонов, С.С.Фуломов, Л.П.Максакова, Р.А.Убайдуллаева, Н.Хўжаев, Р.Х.Шодиев, Т.Ш.Шодиев ва бошқа олимларнинг ҳам қатор илмий ишлари бағишланган.

Аммо бу ишларда аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни стратегик йўналишларни истиқболлаштириш жараёнини айрим томонлари тадқиқ қилинган, холос. Уларда Ўзбекистон қишлоқ жойларида аҳолининг иш билан таъминлаш муаммолари тўла ёритилмаган. Стратегик режалаштириш учун янги объект бўлган қишлоқ аҳолисининг норасмий иш билан бандлигини камайтириш назарий-методологик жиҳатдан тўла асосланмаган, қишлоқ аҳолисини норасмий иш билан бандлиги ҳолатини таҳлил этишнинг методик асослари ишлаб чиқилмаган.

Муаммони назарий-методологик жиҳатдан асослаш, уни таҳлил этишнинг методик асосларини ишлаб чиқиш ва қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишларини аниқлашга шу боисдан ҳам жиддий зарурият туғилди.

Ушбу муаммонинг ҳозирги пайтдаги юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва ҳали етарли даражада ўрганилмаганлиги – ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган давлатларда меҳнат бозоридаги ишчи кучи таклифнинг талабдан юқори даражада ўсиши ишсизлар ва нофаол аҳоли миқдорининг кўпайишига, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг пасайиши каби салбий натижаларга олиб келади. Шундан келиб чиққан ҳолда, **норасмий иш билан бандликни камайтириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш** учун қулай иқтисодий муҳитни яратиш Ўзбекистон иқтисодиётининг долзарб масалалари ҳисобланади.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини иқтисодий фаол ва нофаол аҳолига ажратсак, иқтисодий фаол аҳолининг таркибий қисми бўлган ишчи кучининг меҳнатда банд бўлганлар ва ишсизлар йиғиндисига тенглигини инобатга олсак, иқтисодий фаол аҳолининг яна бир таркибий қисми ҳам мавжудлиги кўриниб турибди. Иқтисодий фаол аҳолининг бу қисмини норасмий бандлар ташкил этади. Демак, ишсизлик билан бирга норасмий бандлик ҳам мавжудки, қонун йўли билан таъқиқланмаган, аммо даромад келтирувчи ҳар қандай фаолият шунга киради.

Ўзбекистон қишлоқ жойларида норасмий секторда бандлик муаммоси ижтимоий-иқтисодий вазиятни баҳолашдаги қийинчиликлар билан узвий боғланганлиги учун ҳам унинг ривожланиш тенденциясини, амал қилиш кўламини ўрганиш зарурияти мавжуд.


**Тадқиқот натижалари.** Норасмий бандлик алоҳида турлари ислохотлар давригача ҳам мавжуд бўлган (чеварлар, репетиторлар ва бошқалар) бироқ, бозор муносабатларига ўтиш шароитида норасмий бандликнинг характерлари, амал қилиш кўлами, таркиби ва унинг иқтисодиётдаги ўрни иқтисодиёт секторларида бутунлай ўзгарди. Ўзбекистонда биринчи 2019 йилда жами иш билан банд аҳоли 13,5 млн кишига тенг бўлган бўлса, шундан 7,8 млн. киши норасмий секторда иш билан банд ҳисобланди. Бу кўрсаткич республика бўйича 57,8% ташкил этган. Бизнинг ҳисоб-китобга кўра, қишлоқ жойларда жами норасмий иш билан банд бўлганлар 6,5 млн кишига тенг. Бу кўрсаткич республика бўйича норасмий иш билан банд бўлганларни 63,1% ташкил этади.

Қишлоқ жойларда норасмий иш билан бандлик турли фаолият турларида учрайди ва улар бир-бирлари билан мураккаб ўзаро боғлиқликда бўлади (1-расм).

Норасмий сектор барча мамлакатларда мавжуд бўлиб, агар ривожланаётган мамлакатлардаги норасмий секторни кўриб чиқадиган бўлсак, аввало, “норасмий сектор” тушунчаси Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан киритилган, норасмий секторга фақат яқка тартибда ишловчилар ҳамда рўйхатдан ўтмаган кичик ишлаб чиқариш бирликлари (фақатгина улар уй хўжалиги корхоналари) қисман киритилган.

Юқорида таъкидланган ўз корхоналарининг ҳисобга олинмаган фаолиятидан даромад олувчи расмий секторда ишловчиларнинг хатти-ҳаракатларини хуфиёна иқтисодиётга ҳам, мансуб дейиш мумкин.

Шунинг учун расмий ва норасмий сектор, норасмий сектор ва иқтисодий нофаол аҳоли, норасмий сектор ва хуфиёна иқтисодиёт ўрталаридаги чегараларни етарли даражада шартли, дейиш мумкин.



**1-расм. Қишлоқ жойларда иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банликни турлари ва уларнинг ўзаро алоқалари<sup>3</sup>**

<sup>3</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Асосан, бу тушунчалар ўртасидаги фарқларни бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатларда ажратиш мушкул. Бундан ташқари, ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятларига қараб норасмий секторга турлича таъриф берилади.

**Бизнингча, норасмий секторда иш билан бандлик-мехнатга лаёқатли аҳолини расман рўйхатга олинмаган, тегишли солиқларни тўламайдиган кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳамда тадбиркорлик объектларида фаолият кўрсатаётган расмий секторлардаги корхоналарнинг меҳнат воситаларидан фойдаланган ҳолда яширин даромад топиш мақсадида асосий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш воситаларига бирикиши ёки таъсир этиши.**

Қишлоқ жойларда норасмий фаолият билан бирламчи шуғулланиш норасмий бандлик сифатида қаралади. Чунки норасмий фаолият билан иккиламчи шуғулланишни аниқлашни аниқ услубияти мавжуд эмас.

Ҳозирги пайтда қишлоқ жойларда аҳоли турмуш даражасининг секин ўсиши, иш ҳаққи даражасини пастлиги ва давлат секторида иш ўринларини етишмаслиги ҳамда расмий секторда иш билан бандликнинг ялпи беқарорлиги оқибатида расмий секторда ишловчиларнинг норасмий секторга ўтиб кетиши, иқтисодий нофаол аҳолининг меҳнат бозорига мажбуран чиқиши ва норасмий секторни тўлдириши, норасмий секторда иккиламчи бандлик доирасининг кенгайиши кузатилмоқда.

Норасмий иш билан бандлик баъзида камбағалликни келтириб чиқарса, баъзида фавқулотда юқори даромад келтириши ҳам мумкин. Хусусан, Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини норасмий иш билан банд бўлганлари расмий секторда иш билан банд бўлганларга қараганда юқори даромадга эга бўлмоқда ва бу ҳолат норасмий секторда иш билан банд бўлганларнинг юқори меҳнат унумдорлиги билан ҳарактерланади.

Қишлоқ жойларда норасмий секторда фаолият юритиш, асосан, тирикчилик (яшаш учун кураш) билангина эмас, балки бюрократик тўсиқлардан ва юқори солиқлар ставкалари тўлашдан қочиш билан изоҳланади. Бу ҳолат “хуфиёна иқтисодиётга” яқин туради. Бироқ, биринчи навбатда норасмий секторнинг

ривожланиши – бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг вужудга келган ижтимоий-иқтисодий вазиятга муносабатидир. Қишлоқ жойлардаги вазият шаҳар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан кескин фарқ қилмайди. Шунингдек, расмий ва норасмий иш билан бандлик ўртасидаги фарқ ҳам шаҳар жойларидагидек, яъни меҳнат бозорларидаги вазиятни кескинлашуви, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, ишсизликнинг ўсиши натижасида расмий секторда иш билан бандлик норасмий кўринишларини ҳам ўз ичига ола бошлайди.

Қишлоқ жойларда норасмий иш билан бандлик ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари мавжуд. Хусусан, унинг **ижобий томонларига** қуйидагилар киради:

- иш билан бандлик ва аҳоли даромадлари муаммоларини ечишда ёрдам беради;
- товар ва хизмат кўрсатиш бозорини кенгайтиради;
- етарли даражада ишсизликнинг ўсиши ва аҳоли турмуш даражасини кескин пасайиб кетиши олдини олади;
- кўпчиликка қулай иш режимини танлашга имкон беради.

Шу билан бирга қишлоқ жойларда норасмий иш билан бандлик муайян қуйидаги долзарб **ижтимоий муаммоларни** келтириб чиқаради:

- у “хуфиёна” иқтисодиётни ривожланиши учун қўшимча шароитлар яратади;
- бу секторда иш билан банд бўлганлар ижтимоий кафолатга эга бўлмайдилар ва меҳнат шароитлари устидан назорат ўрнатилмайди;
- норасмий секторнинг, асосан майда савдо-сотиқ, турли хил хизматлар кўрсатиш соҳасидаги иш билан бандлик хусусий шахсларни қисман малака ва профессионал тажрибаларини йўқотишларига олиб келади;
- иш билан бандликнинг мунтазам бўлмаган характери мунтазам ишдан узоқлаштиради.

Норасмий иш билан бандлик юқори бўлган қишлоқ жойлардаги ҳолат таҳлили шуни кўрсатадики, бундай бандлик расмий секторларда ишчи ўринлари яратилиши билан ўз-ўзидан йўқотил-



майди. Шунингдек, норасмий секторга нисбатан таъқиқловчи чоралар қўллаш ҳам ўзини оқламайди. Норасмий иш билан бандликка нисбатан давлатнинг қаттиқ сиёсати натижасида норасмий секторнинг қисқариши ишсизликни бирданига ўсиб кетишига олиб келади. Чунки, норасмий иш билан банд бўлганларнинг аксарият қисми расмий секторда ишга жойлаша олмайдилар. Шунингдек, давлат томонидан бундай сиёсатнинг юритилиши норасмий секторда иккиламчи иш билан банд бўлганларнинг турмуш даражасини бирданига пасайтириб юборади. Бундан ташқари, норасмий секторни таъқиқлаш уни хуфиёна шаклга ўтишга олиб келади. Норасмий секторни таъқиқлаш чоралари фақатгина норасмий иш билан бандликнинг салбий томонларига нисбатан асосли ҳисобланади. Қишлоқ жойларда норасмий секторнинг ривожланиши кўпроқ ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятга боғлиқ бўлади. Ишсизликнинг ўсиши, иш ҳаққининг ва аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, расмий секторда ишчи кучига етарли талабнинг пастлиги, расмий иш билан бандликнинг беқарорлиги (корхоналарнинг банкротга учраши, корхоналардан ишловчиларнинг бўшаб кетишини доимий кутилиши) норасмий секторнинг ўсишига олиб келади.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар таъсирида Ўзбекистон қишлоқ жойларида норасмий иш билан бандлик расмий иш билан бандликга нисбатан 1,8 марта юқори ва ўсиш тенденциясига эга (1-жадвал).

Бундай вазиятга норасмий иш билан бандлик улиши юқори бўлган Наманган вилояти (71,3%), Самарқанд вилояти (69,3%), Андижон вилояти (68,7%), Жиззах вилояти (68,5%), Фарғона вилояти (66,7%), Хоразм вилояти (66,4%), Қашқадарё вилояти (65,7%), Сурхондарё вилояти (65,1%) каби ҳудудларда асосан **қишлоқ хўжалигидаги иш ўринларини нисбатан камайиши** асосий сабабчи ҳисобланади. Республикамизнинг аксарият қишлоқ ҳудудларида юқорида қайд этилган ҳолат кузатилмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларида меҳнатга  
лаёқатли аҳолининг 2019 йилда иқтисодиётнинг расмий ва  
норасмий секторларида бандлиги<sup>4</sup>

№	Ҳудудлар номи	Иқтисодиёт секторларида иш билан банд бўлганлар - жами, киши	шу жумладан:			
			расмий		норасмий	
			Миқдор киши	улуши, %	миқдор, киши	улуши, %
I	Ўзбекистон Респ. бўйича- жами, шу жумладан:	10037359	3510013	36,7	6527346	63,3
1.1	Қорақалпоғистон Республикаси	575532	227564	39,5	347968	60,5
1.2	Андижон вилояти	1074536	336178	31,3	738358	68,7
1.3	Бухоро вилояти	651213	271481	41,7	379732	58,3
1.4	Жиззах вилояти	459047	144536	31,5	314511	68,5
1.5	Қашқадарё вилояти	1106659	380035	34,3	726624	65,7
1.6	Навоий вилояти	276057	144608	52,4	131449	47,6
1.7	Наманган вилояти	872821	250898	28,7	621923	71,3
1.8	Самарқанд вилояти	1186382	364088	30,7	822294	69,3
1.9	Сурхондарё вилояти	935834	326406	34,9	609398	65,1
1.10	Сирдарё вилояти	276607	121863	44,1	154744	55,9
1.11	Тошкент вилояти	892699	365817	41,0	526822	52,0
1.12	Фарғона вилояти	1113341	370910	33,3	742331	66,7
1.13	Хоразм вилояти	618761	207629	33,6	411132	66,4

Тадқиқот объектлари ҳисобланган – меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган туманларда эса норасмий иш билан бандлик улиши

<sup>4</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

ўртача 68,7%ни ташкил этади. Бу кўрсаткич меҳнат ресурслари билан кам таъминланган туманларда эса 64,7% га тенг (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган айрим қишлоқ туманларида меҳнатга лаёқатли аҳолини иқтисодиёт секторларида иш билан бандлиги<sup>5</sup>**

№	Туманлар номи	Иқтисодиёт секторларида иш билан банд бўлганлар – жами	шу жумладан:	
			расмий	норасмий
<b>Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган туманлар</b>				
1.	Ургут тумани	100,0	27,6	72,4
2.	Пастарғом тумани	100,0	27,3	62,7
3.	Китоб тумани	100,0	30,1	69,9
4.	Шахрисабз тумани	100,0	30,3	69,9
Туманлар бўйича ўртача		100,0	31,3	68,7
<b>Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган туманлар</b>				
5.	Беруний тумани	100,0	33,3	66,7
6.	Элликқала тумани	100,0	31,3	68,7
7.	Пахтакор тумани	100,0	35,6	64,4
8.	Зарбдор тумани	100,0	40,9	59,1
Туманлар бўйича ўртача		100,0	35,3	64,7

Бундай вазиятларнинг асосий сабабларидан бири асосан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни, кейинги ўринда қайта ишлаш саноати, қурилиш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш бўйича етарлича иш ўринларини ташкил этилмаганлиги ҳисобланди.


Шунинг учун “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш стратегияси”да пахта-тўқимачилик,

<sup>5</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

мева-сабзовотчилик, чорвачилик, ипакчилик, балиқчилик, агротуризм, доривор усимликлар каби кластерларида ва кооперацияларида, ҳамда бошқа соҳалари бўйича янги иш ўринлари яратишни истиқболдаги параметрлари белгилаб берилди. Биргина 2019 йилда норасмий иш билан бандлар ва ишсизлар учун 370047 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, уларнинг улуши қишлоқ жойлар учун 64,3% га тенг. Лекин бу кўрсаткичлар қишлоқ ҳудудларида норасмий иш билан банд бўлганларнинг ўсиб бораётган таклифини жуда паст даражада қониқтиради. Шунинг учун 2030 йилгача, қишлоқлардаги норасмий иш билан бандлар учун иш ўринлари миқдорини камида 2-3 мартага кўпайтириш стратегик режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш лозим.

Қишлоқ хўжалигини узоқ муддатга мўлжалланган стратегик ривожлантириш биринчи навбатда норасмий иш билан бандликни асосий қисмини ташкил этган республикадан ташқарига четга ишлашга кетаётганлар миқдорини (30,7%) кескин камайтиришга (тахминий 50% ортиқ) иқтисодий ва ижтимоий шароитлар яратади. Шу билан бирга мазкур стратегияни амалга ошириш иқтисодиётнинг норасмий секторида муҳим улишларга эга бўлган вақтинчалик бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчиларни (21,3%), деҳқон ва шахсий хўжаликларда ишловчиларни (18,6%), рўйхатдан ўтмаган ва тегишли рухсатномасиз фаолият кўрсатаётганлар (18,2%) ва меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан оилавий корхоналарда ва тадбиркорларда ишловчиларни (11,2%) сезиларли камайишига бевосита таъсир кўрсатади (2-расм).

Бизнингча, қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси билан бирга қишлоқ иқтисодиётини бошқа тармоқларини ҳам яқин келажакда ривожланишини белгиловчи стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва уларни бажарилишини таъминлаш лозим. Бу эса қишлоқ иқтисодиётида шаклланаётган қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати, машинасозлик, нефт ва газ саноати, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузулмларнинг янги объектларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳалари билан ҳамкорликда меҳнат, табиий, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслардан унумли фойдаланиш имкониятини беради. **Натижада янги иш ўринлари яратилади ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг норасмий иш билан бандлиги кескин камаяди.** Пировардида аҳолининг меҳнат даромадлари ошади ва турмуш тарзи яхшиланади.




**2-расм. Қишлоқ жойларда иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандликни тузилиши<sup>6</sup>**

Қишлоқ иқтисодиёти тармоқларининг комплекс ривожлантириш стратегиясининг таркибий қисмларидан бири меҳнатга лаёқатли аҳолининг норасмий иш билан бандлигини камайтириш ҳисобланади. Бунинг учун эса самарали, иқтисодий, ижтимоий-демографик ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш лозим (3-расм).

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандликни камайтиришнинг **иқтисодий механизмларида** мужассамланган чора-тадбирлар орасида қишлоқ хўжалигининг нисбатан янги кластерларида (пахтачилик-тўқимачилик, ипакчилик, чорвачилик, балиқчилик, доривор ўсимликлар, агротуризм, ва бошқалар) ва кооперацияларида, ҳамда қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиш материалларини тайёрлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ишловчиларни **моддий рағбатлантирувчи янги иш ўринларини ташкил этиш, давлат томонидан кафолатланган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини ки-**

<sup>6</sup> Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси банлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

**ритиш, ҳамда инновацион ва иқтисодий самарали технологияларни жалб қилиш етакчи ўринни эгаллайди. Булар эса қисқа муддатларда янги иш ўринларини ташкил этилишига олиб келади.**



**3-расм. Қишлоқ жойларда норасмий иш билан бандликни камайтиришнинг асосий омиллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги<sup>7</sup>**

Сўнги натижаларга эришиш учун кафолатланган маҳаллий ва хорижий инвестициялар катта миқдорда шаҳар жойлардагидек талаб этилмайди, чунки қишлоқ жойларда нисбатан ишчи кучлари

<sup>7</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

арзон, аксарияти уй-жойларига эга, янги иш ўринлари яшаш манзилига яқин ва энг асосийларидан бири ишлаб чиқариш ва табиий ресурслари ҳамда хомашё захиралари етарли.

Иқтисодий дастаклардан яна муҳими норасмий иқтисодиётда иш билан банд бўлган аёллар, ўсмир-ёшлар ва меҳнатга лаёқатли пенсионерлар учун қишлоқ иш берувчилари томонидан кафолатланган янги иш ўринлари ташкил этишлари бўйича турли молия-солиқ ва кредит имтиёзларини тақдим этиш ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганлар билан бирга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш негизида сердаромад иш жойлари ташкил этиш иқтисодий механизмлар таркибида салмоқли ўринга эга.

Қишлоқ иқтисодиётининг норасмий секторида иш билан бандликни камайтириш **ижтимоий-демографик** механизмларини асосийларини камбағаллик мақомига эга норасмий иш билан банд бўлганлар имтиёзли ёки бепул уй-жойлар билан таъминлаш, коммунал хизматлар тўловларидан камида бир йилга озод этиш ёки 30-50% тўловларни амалга оширишга рухсат этиш, ўсмир-ёшлар, кўп болали аёллар ва меҳнатга лаёқатли пенсионерлар учун ижтимоий кафолатланган меҳнат, дам олиш ва бола парваришлаш шароитларини яратиш каби чора-тадбирлар ташкил этади. Мазкур механизмлар мажмуасида қишлоқ норасмий иш билан банд ёшларини иш берувчилар ҳисобидан **замонавий, профессионал касб-ҳунарларга ўргатиш** ва олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини меҳнатга мослашувчанлигини ошириш ҳам муҳим ўрин тутади.

**Хулоса ва таклифлар** Қишлоқ жойларда давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларидаги сиёсатлари мужассамлаган ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштирмасдан ва уларни қўлланиш самарадорлигини оширмасдан туриб, норасмий секторда иш билан бандликни камайтиришга эришиб бўлмайди.

Мазкур механизмларнинг асосийси қишлоқ иқтисодиётининг секторлари корхоналарида янги иш жойлари ташкил этиш ва уларни **ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш** бўлиб, унда муҳим ўринни лойиҳа-смета ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш ва объектлар бўйича манзилли ва муддатли молиялаштиришни ташкил этиш ҳисобланади. Шу билан бирга самарали ички ва ташқи меҳнат миграцияларини ташкил этиш ва ташкиллаштириш ишчи кучи

экспорти самарадорлигини ошириш мазкур чора-тадбирлар комплексида етакчи ўринни эгаллайди.

Ушбу механизмлар самарадорлигини оширишда иш берувчилар билан ёлланма ишловчилар ўртасидаги меҳнат шартномалари ва ишчи кучларни меҳнат ҳаракатлари ва миграциялари бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш муҳим ўрин эгаллайди ва уларни халқаро меҳнат-ҳуқуқи нормаларига мос ҳолда қайта ишлаб чиқиш зарур.

Юқорида қайд этилган самарали механизмларни тадбиқ этиш асосида қишлоқ иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиш материалларини тайёрлаш саноати, хизмат кўрсатиш каби асосий тармоқларда янги иш ўринларини ташкил этиш, зарурий талаб ва таклиф бўлган профессионал мутахассислар ва касб-хунарларга тайёрлаш ҳамда меҳнат бозори инфратузилмаси ва меҳнат миграцияларини такомиллаштириш, ҳамда ташкиллаштирилган ортиқча ишчи кучи экспортини ривожлантириш бўйича стратегик йўналишлар ва уларга эришишнинг яқин келажакдаги прогноз параметрларини ишлаб чиқариш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш қишлоқ жойларда **норасмий иш билан бандлик ва ишсизликни кескин камайтиришга олиб келади.**

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов Қ.Х., Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. – Тошкент: «Fan» нашриёти, 2019., 20 бет.

2. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобаназарова Ж.Х., Абдураманов Х.Х. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари (монография). Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2018., 35 бет.

3. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобаназарова Ж.Х., Абдураманов Х.Х., Саидов Н.Р. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари (монография) – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2019., 45 бет.

4. Kholmuminov Sh. Basics of developing complex models of digital technologies for regulation of relationships in the rural labor market (scientific article). Екатеринбург: Сборник научных статей II международной научно-практической конференции по цифровой экономике (ISCDE 2020)" – 2020.



## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	7
1. Абдурахманов К.Х. Рынок труда Узбекистана в Шакарров З.Г. условиях пандемии .....	9
2. Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ жойларда аҳолини Умурзаков Б.Х. норасмий иш билан бандлигини Махмудов Т.А. камайтиришнинг стратегик ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ...	26
3. Абдурахмонова Г.Қ. Инсон ресурсларини бошқариш тизимининг трансформацияси .....	42
4. Хомитов К.З. Қишлоқ ёшларини иш билан Турсунов М.Б. таъминлашнинг самарали иқтисодий механизмлари ва уларнинг ишсизликни камайти- ришга таъсири.....	47
5. Хомитов К.З. Қишлоқ хўжалиги ишлаб Кўпайсинова Л.К. чиқаришида ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш яқин истикболлари.....	63
6. Хомитов К.З. Ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида Сайдахмедова З.Дж. ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш яқин истикболлари	77
7. Ergashev D. Employment of the rural population Dadabaev U. in the conditions of agriculture exporting of Uzbekistan in the context of a pandemic .....	94
8. Ирматова А.Б. Қишлоқ хўжалигида аёлларнинг интеллектуал меҳнатини ривожлантириш масалалари.....	100
9. Саидов Н.Р. Қишлоқ аҳолисини барқарор иш ўринлари билан таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ....	107
10. Бобаназарова Ж.Х. Қишлоқ аёлларининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш	114
11. Максумханова А.М. Қишлоқ аҳолисини иш билан Максумханова Д.Б. таъминлашда меҳнат бозорининг роли .....	120

12.	Хайитов А.Б.	Аҳолини иш билан бандлиги ва ишсизлик: муаммо ва ечимлар .....	126
13.	Арабов Н.У.	Қишлоқ ҳудудларида хусусий иш билан бандлик хизмати ривожланишининг асосий йўналишлари ....	136
14.	Эгамбердиев Р.И.	Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий механизмлари .....	147
15.	Бакиева И.А. Қурбонов С.П.	Янги иш жойларини ташкил этиш йўналишлари .....	155
16.	Рахматуллаева Ш.Х.	Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий механизмлари .....	175
17.	Бозорова С.А.	Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг истиқболли йўналишлари .....	185
18.	Касимова Д.М.	Стратегические направления занятости населения в сельском хозяйстве Республики Узбекистан в эпоху цифровой глобализации ....	191
19.	Азимов Т.Н. Маматқулов Ш.Т. Чўлликбаева Г.Б.	Қишлоқ ёшларининг инновацион иш билан бандлик масаласи.....	197
20.	Qomullayev R., Qurbonov S.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida inson resurlarini boshqarish tizimini takomillashtirish va qishloq aholisini ish bilan ta'minlashning yangi yo'nalishlari .....	202
21.	Гулмуродов К.А. Дустмуродов О.И. Бобомуродова Д.И.	Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда ташкиллаштирилган миграцияни ўрганиш ва такомиллаштириш .....	209
22.	Ғойипназаров С.Б.	COVID-19 пандемияси даврида масофадан ишлашнинг ходимлар меҳнат унумдорлиги ва корхонанинг фаолият самарадорлигига таъсирини баҳолаш .....	219

# **«Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг замонавий йўналишлари»**

**МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ**

## **ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

**Тошкент – «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» – 2020**

Мухаррир: Ш. Кушербаева  
Тех. мухаррир: А.Мойдинов  
Мусаввир: А.Шушунов  
Мусахҳиҳа: Ш.Мирқосимова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: М.Зойирова

**Е-mail: nashr2019@inbox.ru Тел: +998999209035**

**Нашр.лиц. АЛ№009, 20.07.2018. Босишга рухсат этилди 11.11.2020.**

**Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.**

**Шартли босма табоғи 15,5. Нашр босма табоғи 15,0.**

**Тиражи 100. Буюртма № 178**

**«Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи»**

**босмахонасида чоп этилди.**

**100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**